

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

МИРАЛИЕВ ФАХРИДДИН КАРИМДЖАНОВИЧ

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА
БАЧАДОНДАН АНОМАЛ ҚОН КЕТИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ
ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Миралиев Фахриддин Каримджанович

Репродуктив ёшдаги аёлларда бачадондан аномал қон кетишларини олиб бориш тактикасини такомиллаштириш..... 5

Миралиев Фахриддин Каримджанович

Совершенство тактики ведения пациенток репродуктивного возраста с аномальными маточными кровотечениями..... 24

Miraliev Fakhriddin Karimdjjanovich

Improving the management tactics of reproductive-age patients with abnormal uterine bleeding..... 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 50

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

МИРАЛИЕВ ФАХРИДДИН КАРИМДЖАНОВИЧ

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА БАЧАДОНДАН АНОМАЛ ҚОН
КЕТИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Tib2353 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzaig.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиева Дильфуза Абдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримова Феруза Джавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нажмутдинова Дилбар Камариддиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи ҳузуридаги DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132А-уй). Тел: (+99871) 263-33-14, e-mail: info@uzaig.uz.

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132А-уй). Тел: (+99871) 263-33-14, e-mail: info@uzaig.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.С. Надирханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

А.М. Бабаханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

М.М. Асатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда сўнги йилларда дунёда репродуктив ёшдаги аёлларда бачадондан аномал қон кетиши кузатилиши энг кенг тарқалган патологиялардан бири бўлиб, тиббий ёрдамга мурожаат қилиш ва бачадон ичи аралашувларга олиб келмоқда. Статистик маълумотларга кўра, ушбу патология репродуктив ёшдаги аёлларнинг 17–24% да аниқланади «...ташхислаш ва даволаш усуллариининг доимий ривожланиши ва такомиллашишига қарамасдан, репродуктив ёшдаги аёллар орасида бачадондан аномал қон кетиш ҳолатларининг ортиши кузатилмоқда...»¹. Статистик маълумотларга асосан, кўп миқдордаги ҳайз қон кетишлари сабабли 65%гача репродуктив ёшдаги аёллар тиббий ёрдамга мурожаат қилишади. Шу билан бирга, кўпинча бачадондан сурункали равишдан қон кетиши билан азият чекаётган ёш аёлларнинг 40% да жарроҳлик даволаш усули қўлланилади, бу эса кўпинча репродуктив органнинг йўқолишига олиб келади.

Жаҳонда эндометрий гиперплазияси билан боғлиқ бачадондан аномал қон кетишларини ташхислаш мураккаб бўлиб, мутахассислар ўртасида фаол муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Сўнги йилларда бачадондан аномал қон кетишларининг сабаблари ва даволаш ёндашувларини ўрганиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар фаол амалга оширилмоқда. Бу борада илмий маълумотларга асосланган ҳолда прогнозлаш, ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллариини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни олиб бориш протоколлари ва алгоритмларини такомиллаштириш муҳим вазифалар бўлиб, комплекс ечим талаб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, шунингдек, турли касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш бўйича кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш учун самарали воситага айлантириш, рақамлаштириш жараёнини тезлаштириш, тиббиёт соҳасини ривожлантириш бўйича қисқа ва узок муддатли режаларни ишлаб чиқиш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва уларнинг сифати сезиларли даражада яхшилаш зарур². Ушбу вазифаларни амалга ошириш гинекологлар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, хавф омилларини бартараф этиш, эрта диагностика самарадорлигини яхшилаш, аҳоли ўртасида гинекологик касалликлар даражасини пасайтириш, аномал бачадон қон кетишлари билан кечувчи эндометрийнинг гиперпластик жараёнларининг ривожланишини олдини олиш имконини беради. Эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари, шу жумладан, бачадондан аномал қон кетишининг асоратларини олдини олиш учун илмий асосланган тадқиқотлар

¹ R MacGregor. Investigating abnormal uterine bleeding in reproductive aged women. BMJ;2022.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ 5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

Ўтказиш, шунингдек, репродуктив ёшдаги аёлларда ушбу асоратларни ўз вақтида аниқлаш ва профилактика қилиш протоколларини такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 9 августдаги ПҚ-296-сон "Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311-сон "Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиш VI «Тиббиёт ва фармакология» йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги хорижий тадқиқотлар репродуктив ёшдаги аёлларда бачадондан аномал қон кетишларини бошқаришга ёндашувларни такомиллаштиришга қаратилган. Хусусан, бундай бузилишларнинг кўпинча сабаби бўлган эндометрий гиперплазиясининг патогенезини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Гормонал дисбаланс, жумладан, эстрогенлар ва прогестероннинг нисбати ўзгариши, эндометрий рецептор фаолиятининг бузилишини ва ҳужайра пролиферацияси ва дифференциацияси жараёнларининг ўзгаришини келтириб чиқаради. Бу эндометрийнинг назоратсиз ўсиши ва гиперпластик жараёнлар ривожланишига сабаб бўлади (Wilson R.B., 2018; Sweet et al., 2012). Кўпчилик олимлар фикрича, тухумдонлар дисфункцияси, яъни эстрогенларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши ва прогестероннинг етишмовчилиги, асосий омил ҳисобланади (Pavlovskaja MA., 2015; Whitaker L, Critchley HO., 2016).

МДХ мамлакатларида ушбу касаллик муаммоси бўйича етарлича илмий ишлар олиб борилган. Эндометрийнинг гиперпластик жараёнларнинг (ЭГЖ) этиопатогенези механизмлари каскадини амалга оширишнинг асосий бўғинлари кенг доирадаги цитокинларнинг ўзаро таъсири бўлиб ҳисобланади: ўсма некрози омиллари (ЎНО), хемокинлар, интерферонлар, ўсиш омиллари ва бошқалар (Баряева О.Е. и соавт., 2020). Бир қатор тиббий ва биологик таъсирга эга бўлган ушбу цитокинлар (иммун жавобни, яллиғланиш реакцияларида иштирок этиш, апоптоз, пролиферация ва ангиогенезни назорат қилиш) эндометриал гиперплазиянинг (ЭГ) этиопатогенезида иштирок этади, бунда эса дастурлаштирилган ҳужайралар ўлимини бўғиш энг катта аҳамиятга эга (Данусевич И.Н., 2019, Туан Т.В., 2022). Шунини таъкидлаш керакки, сурункали яллиғланиш жараёни цитокинлар ва простагландинлар

(Е.С. Ахметова, Т.Е. Белокриницкая, 2020) даражасининг ошиши, шунингдек, эндометриал рецептивликнинг шикастланиши (Gao M., Cao C., Zhang X, 2019) нинг асосий манбаи ҳисобланади.

Бизнинг мамлакатимизда эндометрийдаги гиперпластик жараёнлари билан боғлиқ бачадондан аномал қон кетишни ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш борасида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтга қадар ушбу патологиянинг турли аспекти, жумладан, иммуногистохимик (Думановская М.Р., 2015; Лызикова Ю.А., 2020) ва медико-генетик (Каюмова Д.Т., 2020) аспекти ўрганилган ва шунингдек, даволаш усуллари таклиф қилинган ва синақдан ўтказилган (Оразов М.Р., 2022; Каппушева Л.М. ва ҳамкасблар, 2022; Асранкулова Д.Б., Назирова З.М., 2021; Улумбекова Г.Э., Худова И.Ю., 2022).

Бачадондан аномал қон кетиши ва эндометрий гиперплазияси бўлган репродуктив ёшдаги беморларни эрта ташхислаш ва даволаш долзарб муаммодир. Бу касалликларнинг асоратларини башорат қилиш мақсадида цитокинлар ва стероид гормонлар рецепторларини аниқлаш билан боғлиқ маълумотларнинг етишмаслиги ушбу тадқиқот мавзусининг аҳамиятини оширади. Эндометрий гиперплазиясининг турли шакллари тушуниш ва цитокинларнинг ролига оид маълумотларнинг камлиги бу соҳадаги тадқиқотларнинг зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бачадондан аномал қон кетиши ва эндометриал гиперплазия билан репродуктив ёшдаги беморлар учун ташхислаш ва даволаш тактикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бачадондан аномал қон кетиши бўлган репродуктив ёшдаги беморларнинг генератив ва гинекологик тарихини, шунингдек, соматик ва гинекологик ҳолатини аниқлаш;

эндометриал эстроген ва прогестерон рецепторлари экспрессияси ҳолатини, шунингдек, аномал бачадондан қон кетиши бўлган аёлларда баъзи цитокинлар даражасини ўрганиш;

репродуктив ёшдаги беморларда аномал бачадондан қон кетиши билан оғриган беморларни даволаш тактикасини ишлаб чиқиш;

аномал бачадондан қон кетиши бўлган беморларда даволаш самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида бачадондан аномал қон кетиши кузатилган репродуктив ёшдаги аёллар ва ҳайз бузилишига эга бўлмаган аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қон, қон плазмаси, бачадон бўшлиғининг кюретажи, қиринди гистологияси билан эндометриал биопсия натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни олиб бориш учун умумклиник, биохимик, иммунфермент анализлари, иммуногистохимик (ИГХ), гистологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

репродуктив ёшдаги аёлларда аномал бачадондан қон кетиш ва эндометрий гиперпластик жараёнларининг генезида яллиғланиш чақирувчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар мувозанатининг бузилиш роли исботланган;

эндометрий гиперпластик жараёнини олдини олиш усули сифатида кўп фазали орал контрацептивни қабул қилиш давомийлиги асосланган;

бачадондан қон кетиши бўлган репродуктив ёшдаги беморларда эндометрий гиперплазиясини даволаш самарасизлигининг иммунологик ва иммуногистокимёвий прогностик омиллари аниқланган;

бачадондан аномал қон кетиши ва эндометрийдаги гиперплазияси (ЭГ) кечаётган беморларда рецидивга қарши даволаш давомийлигини аниқлашда стероид рецепторлари, яллиғланиш чақирувчи ҳамда яллиғланишга қарши цитокинларнинг роли асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бачадондан аномал қон кетиши ва ЭГ билан оғриган репродуктив ёшдаги беморларда яллиғланиш чақирувчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар, шунингдек, стероид гормонлар рецепторлари кўрсаткичлари ўрганилган;

Репродуктив ёшдаги оддий ЭГ билан оғриган беморларда бачадондан қон кетишини даволашни индивидуал танлашнинг илмий асосланган тамойили ишлаб чиқилган бўлиб, соғлиқни сақлашда амалий жиҳатдан жарроҳлик аралашувисиз даволаш имкониятини яратади;

Репродуктив ёшдаги беморларда бачадондан қон кетишини даволашда дифференциал ёндашувнинг ишлаб чиқилган алгоритми стероид гормонлар учун рецепторларни иммунологик ва иммуногистокимёвий ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда кўп фазали гормонал препаратни қўллашга асосланган бўлиб, бу бачадондан қон кетиш ва эндометрий гиперпластик жараёнининг рецидивини олдини олади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот давомида қўлланиладиган назарий ва амалий ёндашувлар ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мувофиқлиги, тадқиқотларнинг услубий тўғрилиги, беморларнинг етарли сони, клиник, асбобий, морфологик, иммунологик, иммуногистокимёвий, статистик қайта ишлаш усулларнинг фойдаланилганлиги, шунингдек, хулоса ва олинган тадқиқот натижаларини халқаро ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бачадондан қон кетиши ва эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари бўлган репродуктив ёшдаги беморларда цитокинлар, стероид гормонлар учун рецепторларни аниқлаш касалликнинг кечишини башорат қилишга, беморларни олиб боришни такомиллаштиришга, шунингдек касалликнинг асоратларини олдини олишга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аномал бачадондан қон кетиши бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда цитокинлар, стероид гормонлар рецепторлари аниқланиши соғломлаштириш, ногиронликнинг олдини олиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика ихтисослаштирилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш илмий-амалий тиббиёт маркази Эксперт кенгашининг 2024 йил 19 февралдаги, 20-у-т/18 сонли хулосасига кўра тасдиқланган.

биринчи илмий янгилик: репродуктив ёшдаги аёлларда бачадондан аномал қон кетиши ва эндометрий гиперпластик жараёнларининг ривожланишида яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар дисбаланси ўрни исботланди, бундан олинган илмий-амалий маълумотлари Соғлиқни сақлаш учун долзарб аҳамиятга эга ва амалиёт учун жуда муҳим ҳисобланади. Тадқиқот натижалар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиали ва Тошкент вилояти «Бўка» тумани кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасига амалиётга жорий этилган (Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт кенгаши хулосасига кўра №20 у-т/18 19.02.2024 йил). *Ижтимоий самарадорлиги:* бачадондан аномал қон кетишлари ва эндометрий гиперпластик жараёнларини ўз вақтида аниқлаш репродуктив ёшдаги аёлларда гинекологик асоратларнинг олдини олишга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг диагностика учун ўртача қиймат 92 100 сўмни ташкил қилади (ҳар бир (4 та) цитокин учун – 368 400 сум). Бачадон ва ўзининг ортиқларини ултратовуш ташхислаш (УТТ) қиймати 107 000 сумни ташкил қилади. Стандарт ҳолатларда УТТ га бўлган харажатлар 107 000 сум, ушбу тадқиқотлар бачадондан аномал қон кетишини ташхислашда бир неча марта амалга оширилади, агар керак бўлса динамик кузатиш ўтказилади (107 000 (ўртача 3 марта) $107\ 000 \times 3 = 321\ 000$ сўм бир бемор учун). Бачадондан аномал қон кетиш ҳолатида, иқтисодий самарадорликка эришиш учун УТТ ва цитокинлар маркер сифатида белгилаш натижасида амалга оширилади (иқтисодий самарадорлик ҳар бир бемор учун 475 000 сумни ташкил қилади). *Хулоса:* бачадондан аномал қон кетиши кузатилган репродуктив ёшдаги аёлларда, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларни ҳамда бачадон ва унинг ортиқларини УТТ билан аниқлаш керак. Кейинги динамик кузатувларда фақат УТТ ўтказиш етарли бўлади, бу эса 475 000 сум бюджет маблағларини тежашга имкон беради;

иккинчи илмий янгилик: илк бор эндометрий гиперпластик жараённинг профилактикаси учун кўп фазали орал контрацептивларни узоқ муддат давомида қабул қилишнинг самарадорлиги исботланган (3ой). Тадқиқот натижалар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиали ва Тошкент вилояти «Бўка» тумани кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасига амалиётга жорий

этилган (Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт кенгаши хулосасига кўра №20 у-т/18 19.02.2024 йил). *Ижтимоий самарадорлиги:* профилактика усули сифатида кўп фазали контрацептивдан узоқ муддатли фойдаланиш таъсири беморда репродуктив функцияни сақлаб қолиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* Учта цикл давомида кўпфазали комбинацияланган орал контрацептив (КОК) қабул қилиш керак (ўртача нархи $77\ 000 \times 3 = 231\ 000$ сум). Тавсия этилган методик ёндашув бачадондан аномал қон кетишнинг такрорланишини олдини олади ва ортиқча ташхислаш тадқиқотларини қисқартиришга имкон беради, иқтисодий қиймати 475 000 сумни ташкил қилади (иқтисодий самарадорлик 475 000 сумни ташкил этди). *Хулоса.* Таклиф қилинган методика бачадондан аномал қон кетишнинг қайталаниш ҳолатида такрор лаборатор ва инструментал тадқиқотларга бўлган харажатларни қисқартиришга ва бир бемор учун 117 000 сум бюджет маблағларини тежашга имкон беради;

учинчи илмий янгилик илк бачадондан аномал қон кетиши кузатилган репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрий гиперплазиясини даволаш самарадорлигини иммунологик ва иммуногистокимёвий прогноз қилинган. Тадқиқот натижалар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиали ва Тошкент вилояти «Бўка» тумани кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасига амалиётга жорий этилган (Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт кенгаши хулосасига кўра №20 у-т/18 19.02.2024 йил). *Ижтимоий самарадорлиги:* иммунологик ва иммуногистохимёвий текширувлар кўп фазали комбинирланган контрацептив билан даволашнинг самарадорлигини аниқлаб беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* иммунологик ва иммуногистохимёвий тадқиқотлар нархи мос равишда 368 400 сўм ва 850 000 сўмни ташкил қилган. Иммунологик ва иммуногистокимёвий тадқиқотларни ўрганиш билан услубий ёндашув, агар даволаш самарасиз бўлса, БАҚК билан касалланган аёлларда даволаш самарадорлигини баҳолаш учун тадқиқотлар сонини камайтиришга имкон беради иқтисодий қиймати 10 219 400 000 сўм *Хулоса.* Таклиф этилган учул бачадондан аномал қон кетиши қайталанганда такрорий лаборатория ва инструментал тадқиқотлар харажатларини камайтириш ва ҳар бир бемор учун 10 219 400 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик илк бор стероид рецепторлари ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг роли бачадондан аномал қон кетиши ва эндометрийни гиперпластик жараёни бўлган беморларда касалликни қайталанишига қарши даволаниш муддатини аниқлаш учун ўрганилди. Тадқиқот натижалар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиали ва Тошкент вилояти «Бука» тумани кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасига амалиётга жорий этилган

(Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт кенгаши хулосасига кўра №20 у-т/18 19.02.2024 йил). *Ижтимоий самарадорлиги:* бачадондан аномал қон кетиши кузатилган аёлларда стероид рецепторлари ва яллиғланишга қарши цитокинлар ушбу патологиянинг қайталанишини ўз вақтида тахмин қилиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* бачадондан аномал қон кетиши кузатилган аёлларда аёлларда гиперпластик жараёнларнинг қайталанишини башорат қилиш самарали даволаш учун дори-дармонларни ўз вақтида танлаш имконини беради ва асоратларнинг олдини олиш юқори молиявий харажатлардан қочиш имконини беради. Бугунги кунда бачадондан аномал қон кетиш ташхисини қўйиш учун 1 475 400 сўм, қўшимча равишда гинеколог маслаҳатига 95 000 сўм сарфланади. Бачадондан аномал қон кетишни ташхислашнинг умумий қиймати 1 570 400 сўмни ташкил этади. Белгиланган текширувлар асосида касалхонага ётқизилган тақдирда: аёллар касалхонада 5 кун учун 1500 000 сўмни, диагностик ёки даволаш мақсадида гистероскопия ўтказиш 10 119 800 сўмни ташкил этади. *Хулоса.* Бачадондан аномал қон кетиш кузатилган аёлларда стероид рецепторлари ва яллиғланишга қарши цитокинлар ёрдамида гиперпластик жараёнларнинг қайталанишини башорат қилиш ҳар бир бемор учун 11 619 800 сўмгача бюджет маблағларини тежаш ва репродуктив саломатликни сақлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та Республика, жами 4 та илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Диссертацияда олинган натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та мақола эълон этилган ва унинг 5 таси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 4 та республика ва 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш кириш бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари бачадондан аномал қон кетиши ва эндометрий гиперплазияси бўлган репродуктив ёшдаги беморларнинг ташхиси ва даволаш усуллари такомиллаштиришга қаратилган. Тадқиқот объекти ҳақида тушунча берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг аҳамияти ва амалиётга тадбиқ этилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрий гиперпластик жараёнлари ва аномал бачадондан қон кетишининг патогенези, ташхисоти ва даволашига замонавий қараш (адабиётлар**

таҳлили)” деб номланган биринчи боби учта кичик бўлимдан иборат адабиётлар таҳлили маълумотларини ўз ичига олади. Ушбу бобда репродуктив ёшдаги аёлларда бачадондан аномал қон кетиши (БАҚК) ривожланиш сабаблари, диагностик ёндашувлар, шунингдек, даволашнинг замонавий контсепцияси таҳлил қилинган ва тадқиқот давомида амалга ошириладиган ишлар кўлами аниқланган ва тадқиқотнинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **“Клиник материал ва тадқиқот усулларининг характеристикаси”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предметлари ва қўлланилган усуллар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Тадқиқот 2017-2022 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг (РИО ва БСИАТМ) илмий-маслаҳат поликлиникаси ва гинекология бўлимида амалга оширилди. Ушбу тадқиқотда гинекологга мурожаат қилган, бачадондан қон кетиши ва эндометрий гиперплазиясига мавжуд репродуктив ёшдаги (29 ёшдан 49 ёшгача бўлган 67 нафар) бемор иштирок этди. Асосий гуруҳнинг барча беморлари тегишли тайёргарликдан сўнг керакли миқдордаги текширувдан ўтган, эндометрий қириб ташлаш гистологияси билан гистероскоп назорати остида бачадон бўшлиғининг кюретажи ўтказилган. Таққослаш гуруҳи ҳайз даври бузилиши бўлмаган 50 нафар аёл ва бачадон ичи воситалар (БИВ) мавжуд бўлган 25 нафар аёлнинг клиник ва лаборатор маълумотларини ўз ичига олган. Тегишли текширувдан сўнг текширилган барча 25 нафар бачадон бўшлиғидан эндометрий пайпел аспирациясини амалга оширилган, БИВ оғриқсизлантиришсиз олиб ташланган ва бачадон каналининг кенгайтириш, сўнгра бачадон бўшлиғининг қиринди гистологик текшируви амалга оширилган.

Тадқиқотдаги ҳар икки гуруҳдаги аёлларда касаллик шикоятлари, менархенинг шаклланиши, анамнез маълумотлари, паритет, гинекологик ва соматик касалликлар борлиги ўрганилди.

Тадқиқот умумий ва акушерлик-гинекологик анамнез маълумотларини баҳолашни ўз ичига олди. Бу жараёнда беморларнинг умумий саломатлик ҳолати ва гинекологик тарихлари тўлиқ ўрганилди. Менструал функция шаклланишининг бошланиши, яъни ҳайз кўришнинг қачон бошлангани, унинг давомийлиги ва регуляцияси, циклик хусусиятларига эътибор берилди. Гинекологик текширув қин ва бачадон бўйни текширувини ўз ичига олган. Асосий гуруҳдаги беморларда динамик ультратовуш текшируви (УТТ) ўтказилган ва бачадон бўйни канали ва бачадон бўшлиғининг гистероскоп назорати остида алоҳида кюретажи ўтказилди. Таққослаш гуруҳи беморларида пайпел биопсия ёрдамида қиринди гистологияси, қиринди иммуногистокимёвий ва иммунологик текширувлар амалга оширилди.

Бемор илмий маслаҳат поликлиникаси гинекологига ёки гинекология бўлимига бачадондан қон кетиш шикояти билан мурожаат қилган куни, учинчи, олтиничи ва ўн иккинчи кунлари жинсий органларнинг УТТ (Siemens, Aloka, Philips HD3 аппаратлари ёрдамида) амалга оширилган.

Текширилганларнинг барчасида гистероскопия вена ичи анестезияси остида диаметри 6 мм, 12 даража бурчакли “Карл Шторц, Германия”

компаниясининг қаттиқ диагностик гистероскопи ёрдамида амалга оширилган.

Эндо метрий морфологик текшируви Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази патоморфологик лабораторияси мудири Г.Р. Салиходжаева бошчилигида олиб борилган.

“Premium Diagnostiks” патоморфологик лабораториясида эстроген (ER) ва эндо метриал прогестероннинг (PR) ядровий рецепторлари т.ф.д. Д.А. Нишанов раҳбарлиги остида ўрганилган.

Периферик қон плазмасида яллиғланиш чақирувчи цитокинлар ЎНО- α , интерлейкинлар (ИЛ)- 2, -6 ва интерферон- γ (ифн- γ) даражалари текширилди, “Вектор БЕСТ” (Россия) реагентлар тўпламидан фойдаланган ҳолда сендвич усули билан қаттиқ фазали иммунофермент таҳлили (ИФТ) усули қўлланилган.

Тадқиқотда ифодаловчи, параметрик ва параметрик бўлмаган стандарт статистика усуллари билан фойдаланилган.

Диссертациянинг **“Шахсий тадқиқот натижалари”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг клиник ва лаборатор маълумотлари ҳақида батафсил маълумотлар келтириб ўтилган. Асосий гуруҳ беморларининг шикоятларини ўрганилганда, уларнинг барчаси жинсий йўлдан кўп миқдорда, узоқ муддатли ациклик қон кетиш ҳақида шикоят қилганликлари аниқланган. Анамнездан маълум бўлишича, илгари барча беморлар 3 ой давомида гемостатик, яллиғланишга қарши даволанишни самарасиз бир неча бор олишган.

Деярли ҳар учинчи бемор ($n=21$ (31,3%)) оғриқли ҳайз кўрган.

АБҚК билан оғриган 11(16,4%) нафар беморлар орасида аденомиоз ташхиси қўйилган, қолган 56 (83,6%) нафарида ультратовуш текширувида миометрида патология аниқланмаган.

АБҚК билан оғриган ва ҳайз даврининг бузилишисиз текширилган беморларнинг кўпчилигида миометрий патологияси ультратовуш белгилари аниқланмаган.

47(94,0 \pm 4,5%) нафар таққослаш гуруҳи беморларида ультратовуш маълумотларига кўра миометрий патологияси аниқланмаган ва фақат 3(6,0 \pm 3,4%) аденомиоз ташхиси қўйилган.

Асосий гуруҳдаги беморларда аденомиоз УТТ таққослаш гуруҳига нисбатан 2,7 марта кўплигидан қатъий назар олинган маълумотлар ишончли эмаслиги кузатилди.

Эндо метрийнинг қалинлиги 12 дан 21 мм гача, ўртача 15,3 \pm 2,1 мм бўлганлиги аниқланган.

Менархенинг шаклланишини ўрганиш натижалари БАҚК ва УТТ белгилари мавжуд беморларда эндо метрий гипертрофиясининг айрим хусусиятларини аниқлаш имконини берди.

Менструал функциянинг шаклланишини ўрганиш шуни кўрсатдики, 49 (73,2 \pm 5,4%) нафар АБҚК бўлган беморларнинг аксарияти менархенинг ёшини 15-16 ёш оралиғида кўрсатишган. Шу билан бирга, таққослаш гуруҳидаги

деярли барча ($n=48(96,0\pm 2,8\%)$) аёлларда ҳайз кўриш 13-14 ёшда бошланган, бу асосий гуруҳга қараганда анча вақт эканлигини кўрсатган, $p<0,001$.

Бундан ташқари, анамнезда жинсий аъзоларнинг юқумли ва яллиғланиш касалликларининг юқори частотаси, жинсий аъзолардаги турли хил операциялар, абортдан кейинги асоратлар эндометрийдаги юқумли ва яллиғланиш жараёнларининг сурункалашувиға ҳисса кўшиб, бу эндометрий гиперпластик жараёнларнинг (ЭГЖ) ривожланишида муҳим патогенетик бўғин ҳисобланади.

Асосий гуруҳдаги барча беморларда гистероскопияда турли баландликдаги кўплаб бурмалар шаклида оч пушти шиллик қаватнинг қалинлашиши ва шишиши, шунингдек, кўп сонли безлар каналлари мавжудлиги, бачадон бўшлиғига суяқлик оқимининг тезлиги ўзгарганда эндометрийнинг тўлқинга ўхшаш ҳаракати аниқланилиб (“сув ости ўсимликлари” феномени), бу эндометрий гиперплазияснинг гистероскопик белгиси бўлиб ҳисобланади.

Шиллик қаватининг юзаси баландлиги 10 дан 15 мм гача бўлган тизмалар шаклида нотекис қирралари бўлган кенг пойдеворли кўплаб бурмалар аниқланган. Ифодаланган аниқ белгиланган қон томир нақшлари аниқланган. Бурмаларнинг сояси оч пушти рангдан оч қизил ранггача аниқланган. Суяқлик оқими ва босимининг ўзгариши шиллик қаватнинг ҳаракат тезлигини ўзгартирган. Шиллик қаватнинг фокал зарарланишлари, бачадон найчаларининг оғизлари аниқланган.

Оз миқдордаги эстрогенларга узоқ вақт таъсир қилиш натижаси безли гиперплазиянинг ривожланиши кубсимон ва призматик эпителийдан ҳосил бўлган кўплаб кенгайган найли безлар билан намоён бўлган. Шу билан бирга, беморларнинг ярмидан кўпида ($n=39 (56,7\%)$) сурункали эндометрит (СЭ) гистологик жиҳатдан тасдиқланган.

Таққослаш гуруҳидаги 50 нафар аёлдан 25 нафар беморга бачадон бўшлиғидан бачадон ичи воситасини олиб ташлаш билан бирга бир вақтда эндометрини пайпел биопсия қилинган.

Таққослаш гуруҳидаги беморларда эндометрийнинг морфологик текшируви нормал ҳайз даврининг бошланғич босқичига хос бўлган пролиферация босқичини кўрсатди. Ушбу қириб олинган материалда турли шаклдаги безлар топилган ва безли эпителий функционал ҳолатида ҳар хил бўлган. Юзаки эпителий куб шаклга ега бўлиб, тор тўғри бачадон безларида эпителий бир қаторли цилиндрсимон кўринишда бўлган. Бир оз қийшайган безларда кўп қаторли устунли эпителий кузатилган.

Строма одатда зич, сийрак лимфоцитлар ва бир нечта фибробластларга ўхшаш хужайралардан иборат. Қон томир тармоғи ёмон ривожланган ва у минимал кўринишда бўлган. Айрим жойларда лимфоцитларнинг кичик тўпланиши кузатилган, бу яллиғланиш жараёнларининг оз миқдорда фаоллигини кўрсаткан. Паст стромал васкуляризация чекланган қон таъминотини исботлаб берган.

Шундай қилиб, бачадондан аномал қон кетиши безли эндометрий гиперплазияси оз миқдорда эстрогенлар узоқ вақт таъсир қилиш туфайли

ривожланган. Бу жараён кубик ва призматик эпителий билан қопланган кўп сонли кенгайган кувурли безларнинг шаклланиши билан тавсифланган. Сурункали эндометритнинг гистологик тасдиқланиши беморларнинг ярмидан кўпида аниқланган. Эндометриал намуналарни таҳлил қилиш сурункали эндометритнинг характерли белгиларини аниқлади, бу узоқ муддатли яллиғланиш жараёнини ва тўқималарда таркибий ўзгаришларни кўрсатган. Асосий хусусиятлардан бири - организмнинг иммун реакциясида фаол иштирок этадиган плазма хужайралари, шунингдек, сурункали яллиғланиш ва иммунитет гомеостазининг бузилишини кўрсатадиган лимфоид фолликулага ўхшаш яллиғланиш инфилтратларининг мавжудлиги бўлди.

Бачадондан аномал қон кетиши ва эндометрий гиперплазияси - бу аёлнинг соғлиғи учун жиддий оқибатларга олиб келадиган репродуктив тизимнинг нейрогуморал регуляциясига таъсир қилувчи тизимли иммунитет ўзгаришларини келтириб чиқарадиган кенг тарқалган гинекологик касаллик ҳисобланади.

Эндометрий хужайраларнинг пролиферацияси ва апоптоз жараёнлари ўртасидаги номутаносиблик ҳам бачадондан аномал қон кетиши ва эндометрий гиперплазияси патогенезида муҳим омил ҳисобланади. Бу мувозанат эндометрийнинг ҳаддан ташқари ўсишига ва унинг тузилишининг бузилишига олиб келади.

Диссертациянинг “**Бачадондан қон кетиши ва эндометрийнинг гиперпластик жараёни бўлган беморларда эндометрий иммуногистокимёвий хусусиятларини ўрганиш натижалари**” деб номланган тўртинчи бобда эндометрийнинг иммуногистокимёвий хусусиятларини ўрганиш натижалари ва аномал бачадондан қон кетиши ва эндометрийнинг гиперпластик жараёни бўлган беморларда цитокин ҳолатининг хусусиятларини ўрганиш натижалари тасвирланган.

Асосий гуруҳда 28 нафар беморда (жами 67 нафар бемор) ЭГ мавжудлиги сабаб қўшимча равишда гистологик қиринди орқали иммуногистокимёвий текширув амалга оширилди. Ушбу текширув орқали тўқималарнинг морфологик таҳлили, эндометрийнинг турли гистологик шакллари, шу жумладан гиперплазия ва бошқа патологик ўзгаришлар аниқланди. Ушбу маълумотлар асосида ҳар бир бемордаги касалликнинг оғирлик даражаси ва хусусиятлари аниқланиб, шунингдек, касалликнинг эволюциясини тушуниш имкони пайдо бўлди. Назорат гуруҳидаги ҳайз цикли бузилмаган 25 нафар бемордан 12 нафарида БИВ ни олиб ташлашда бачадон бўшлиғидан пайпель усулида олинган гистологик текширув ўтказилди (1-жадвал).

1-жадвал

АБҚҚ ва ЭГЖ билан оғриган беморларда эндометрийнинг эстрогенга рецептивлиги интензивлигини ўрганиш натижалари

Гуруҳлар	Хужайралар сони	Эстрогенга рецепторлар		
		баллар		
		+1	+2	+3

Асосий гуруҳ (n=28)	100	3,5±3,5%	57,1±9,4%	39,4±9,2%
Таққослаш гуруҳи (n=12)	100	83,3±10,8%***	16,7±10,8%*	-

*Изоҳ: *- p<0,05, *** - p<0,001 – асосий ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги фарқ ишончлилиги.*

1-жадвалга кўра, ER бўлган хужайралар сони +1 балл бўлиши БАҚҚ билан оғриган беморлар гуруҳида ва таққослаш гуруҳида эндометриал патологияси бўлмаган беморларда мос равишда 3,5±3,5% ва 83,3±10,8% нисбатда аниқланди, p<0,001.

БАҚҚ билан оғриган беморларда эстроген рецепторлари +2 ва +3 балли бўлган хужайралар мос равишда 57,1±9,4% ва 39,4±9,2% ишончли тарзда аниқланган.

Ҳайз цикли бузилишисиз таққослаш гуруҳида +3 балли хужайралар умуман аниқланмаган. + 2 рецепторлари билан эса атиги 16,7±10,8% ни ташкил қилган.

PR интенсивлигини кўриб чиқилганда (2-жадвал), таққослаш гуруҳида эндометриал хужайраларнинг аксарияти прогестерон қабул қилиш даражаси паст бўлган, яъни +1 балл -17,9±3,8% ни, таққослаш гуруҳида эса кўпчилик хужайраларда PR +1 қабул қилиш даражаси пастлиги +1 балл – 87,3±3,3%да аниқланган, p<0,001.

2-жадвал

Эндометрий гиперпластик жараён ва АБҚҚ бўлган беморларда прогестеронга эндометриал рецептивлигининг интенсивлигини ўрганиш натижалари

Гуруҳлар	Хужайралар сони	Прогестеронга рецепторлар		
		баллар		
		+1	+2	+3
Асосий гуруҳ (n=28)	100	17,9±7,2%	42,9±4,9%	39,2±9,2%
Таққослаш гуруҳи (n=12)	100	87,3±3,3%***	12,7±3,3%***	-

*Изоҳ: *** - p<0,001 – асосий ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги фарқ ишончлилиги*

PR+3 балл бўлган хужайралар таққослаш гуруҳида аниқланмади. БАҚҚ билан оғриган беморларда 42,9±4,9% хужайраларнинг деярли ярми +2 PRга эга бўлса, таққослаш гуруҳидаги аёлларда 12,7±3,3% аниқланган, p<0,001.

Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги беморларда ИФН-γ даражаси мос равишда 9,47± 0,3 пг/мл ва 2,11±0,1 пг/мл ни ташкил этди, p<0,05 (3-жадвал).

3-жадвал

Аномал бачадондан қон кетиши ва эндометрий гиперпластик жараёни билан оғриган репродуктив ёшдаги беморларда цитокин даражаси

Теширилганлар гуруҳи	ИФН-γ пг/мл	ФНО-α пг/мл	ИЛ-2 пг/мл	ИЛ-6 пг/мл
Асосий гуруҳ (n= 67)	2,11±0,1	1,1±0,1	8,12±0,3	7,09±0,4
Таққослаш гуруҳи (n=25)	9,47±0,3*	4,22±0,2*	29,89±1,0*	1,69±0,1*

*Изоҳ: *- p<0,05 таққослаш гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқ ишончлилиги*

Натижаларни таҳлилидан кўришиб турибдики, АБҚҚ ва эндометрий гиперплазияси (ЭГ) билан оғриган беморларда бу протеин сақланган ҳайз цикли билан текширилганларга қараганда 4,5 баравар кам эди.

ТНФ-α - 1,1 ± 0,1 пг/мл қон зардобидаги концентрациянинг статистик жиҳатдан ишончли даражада пастлиги, таққослаш гуруҳидаги концентрацияга нисбатан – 4,22±0,2 пг/мл, бу ҳам АБҚҚ ва ЭГ билан оғриган беморларда апоптознинг камайганлигини кўрсатади.

Яллиғланишга қарши цитокин бўлган қон зардобидаги ИЛ-2 таркиби асосий ва таққослаш гуруҳидаги беморларда 8,12±0,3 пг/мл ва 29,89±1,0 пг/мл ни ташкил этди, p<0,05.

Таққослаш гуруҳидаги ИЛ-6 даражаси 1,69±0,1 пг/мл, асосий гуруҳида 7,09±0,4 пг/мл, p<0,05 ни ташкил этди.

ИЛ-6 нинг ортиқча ишлаб чиқарилиши аутоиммун реакция туфайли тўқималарга зарар етказди. ушбу тадқиқот шуни кўрсатдики, АБҚҚ ва ЭГ билан оғриган беморларда ва ҳайз цикли бузилишисиз текширилганлар гуруҳида ИЛ-6 мос равишда 7,09±0,4 пг/мл ва 1,69±0,1 пг/мл ни ташкил этган, яъни унинг миқдори сезиларли даражада ошган.

Эндометрий гиперплазияси фонида аномал бачадондан қон кетиши бўлган беморларда қуйидаги цитокинларнинг кўрсаткичлари орасида ишончли ижобий корреляция аниқланди:

* ИФН-γ (r=0,78; p<0.05) ва ТНФ - α (r=0.72; p<0.05), шунингдек ИЛ-2 (r=0,72; p<0.05) ўртача рецепция +2 балл ва юқори рецепция +3, шунингдек, паст рецепция PR билан + 1 балл.

* PR +2 балл билан, шунингдек ER +1 балл билан ИЛ-6 (r=0.76; p<0.05) кўрсаткичи ўртасида.

Ўтказилган тадқиқот репродуктив ёшдаги беморларда яллиғланишга қарши цитокинлар даражасини ва стероид гормон рецепторлари экспрессион кўрсаткичларини АБҚҚ белгилари ва эндометрий гиперпластик жараёнлари сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

Диссертациянинг **“Репродуктив ёшдаги аномал бачадондан қон кетиши ва эндометрий гиперплазияси бўлган беморларни даволашда гормон терапиясининг самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобида, турли ёшдаги аёллар ва ўсмир қизларда аномал бачадондан қон кетишини

даволаш учун ишлатиладиган биоэидентик эстроген - эстрадиол валерат ва гестаген диеногестни ўз ичига олган кўп фазали гормонал воситанинг самарадорлиги натижалари келтирилган.

Рецидивларни олдини олиш мақсадида, биоидентик эстроген - эстрадиол валерат ва гестаген - диеногест компонентларини ўз ичига олган комплекс комбинацияланган монофазик орал контрацептив (КОК) терапияси таклиф этилган.

Ушбу мезонларга биноан даволаш самарадорлиги баҳоланди:

1. 8 кундан ортиқ давом этадиган ваёки қон йўқотиш ҳажми ≥ 80 мл бўлган қон кетиш ҳолатлари йўқ.

2. Репродуктив тизимда ножўя таъсирларнинг йўқлиги: аменорея, дисменорея, ҳайз кўришга ўхшаш тартибсиз қон кетиш, мастодиния.

3. Бош оғриғи, кўнгил айниш, қорин оғриғи, тана вазнининг ошишининг йўқлиги.

4. Менструал циклнинг 20-25-кунида м-эхо қалинлигининг 6-8 мм гача камайиши.

Қабул қилинган даволанишнинг таъсири бор ёки йўқлигига қараб, асосий гуруҳдаги беморлар 1- ва 2- гуруҳларга бўлинган.

1-гуруҳга гормонал препаратни қабул қилганидан 3 ой ўтгач, цикл меъёрлашган 61(91,0%) нафар беморлар кирган.

2-гуруҳга қолган 6 (8,96%) нафар беморлар кирган, улар гормонал препаратни қабул қилиш пайтида қонли ажралма ажралиши ҳақида шикоят қилишган. Бундан ташқари, ушбу 6 беморда гормонал препаратни 3 ойлик қабул қилишни тўхтатгандан сўнг, яна бир менструал қон кетиши қайд этилди, бу комбинирланган гормонал контрацептив воситани қабул қилишдан биров кўпроқ бўлган. Ушбу гуруҳдаги беморларга яна 3 цикл давомида гормонал препаратни қабул қилиш тавсия этилган.

1- ва 2-гуруҳ беморларида м-эхо қалинлигини 3 ойлик гормонал препаратни ҳайз кўришга ўхшаш қон кетиш бошланганидан 5 кун ўтгач таққослаш амалга оширилди (4-жадвал).

4-жадвал

Даволаш фонида беморларда бачадоннинг ультратовуш кўрсаткичларининг динамикаси, $M \pm m$, мм

Беморлар гуруҳи	М-эхо, мм	Бачадон узунлиги, мм	Бачадоннинг олд-орқа ўлчами, мм	Бачадон кенглиги, мм
Даволашдан олдин				
Асосий гуруҳ (n=67)	16,5±4,5	66,1 ±1,0	54,3±0,7	54,2 ±1,1
6 ойдан сўнг				
1-гуруҳ ижобий самарали даволашдан кейин (n= 61)	5,4±2,9*	52,7±0,6	45,3±0,4	55,2±0,5
